Шу билан бирға, кичик бизнес субъектларини давлат харидларига кенг жалб этиш механизми йўлга қўйилиб, бу ишлар Ўзбекистон товар-хом ашё биржасида электрон савдо-лар орқали олиб борилаётгани алоҳида эътиборға сазовордир.

Кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш ҳажми ўтган давр мобайнида қарийб 2 баробар кўпайиб, 600 миллиард сўмини ташкил этгани, зарур хом ашё ресурсларини қўшиб ҳисоблаганда, бу қўрсаткич 2 триллион 800 миллиард сўмдан ошгани ана шундай тадбиркорлик натижасидир. Яна шуни қайд этиш лозимки, айни шу механизмиз татбиқ этганимиз тўғрисида 13 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағини тежашға эришилди.

Бугунги кунда биз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда фақат савдо-сотик, майда хунармандчилик билан чекланиб қолмасдан, биринчи навбатда, замонавий технология ва асбоб-ускуналар асосида саноят маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, ички ва ташқи бозордаги ўзгаришларға тез мослашадиган хусусий тадбиркорлик соҳасини тараққий эттиришға алоҳида аҳамият бермоқчимиз.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 3 триллион 200 миллиард сўм миқдориде кредит ажратилиб, уларнинг учдан бир қисминдан кўпроғи замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш учун берилгани, айниқса, эътиборлидир.

Ана шу давр, яъни жорий йилнинг 9 ойи давомида шу йўналишда қарийб 100 миллион АҚШ доллари миқдориде маблағ ўзлаштирилганининг ўзи бугунги кунда кичик бизнеснинг салоҳияти ва қиёфаси тобора ўзгариб бораётганининг далилидир.

Бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида кичик корхоналарнинг экспорт ҳажми 2011 йилнинг ўзида 2 миллиард АҚШ долларидан ошиши, уларнинг ялпи экспортдаги улуши эса 16,3 фоизға етиши кўришмоқда.

Бундай салмоқли кўрсаткичларни, авваломбор, соҳани замонавий ускуна ва технологиялар билан жиҳозлаш, ушбу тармоқда меҳнат қилаётган ишчи-муҳандисларнинг малакаси, кичик бизнес ва хусусий корхона эгаларининг ишбилармонлик маҳорати тобора ошиб бораётганининг эркин намоёни сифатида қабул қилиш ўринли бўлади.

Мазкур соҳанинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган муҳим масалалардан яна бири — бу жорий йилда юртимизда яратилган қарийб 1 миллионга яқин иш ўрнининг 610 миңдан зиёди ёки 64 фоизи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан ташкил этилгани, ҳеч шубҳасиз, бу тармоқ, тақрор айтаман, Ўзбекистон учун энг долзарб масалалардан бири бўлиши аҳолини иш билан банд қилишда етакчи ўрин эгаллаб бораётганининг яққол тасдиғидир.

Ўтиб бораётган йилда амалга оширилган бундай кенг қўламли ишлар ҳақидаги фикрларни яна давом эттириш мумкин. Буларнинг амалий натижаси сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши ҳозирги вақтда — шунга алоҳида эътибор беришнингизни сўрайман — 54 фоизни ташкил этишининг ўзи, ўйлайманки, кўп нарсани аниқлатади.

Азиз юртдошлар! Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз тараққиётида, авваломбор, халқимиз учун муносиб ҳаёт барпо этиш, олдимизда турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш борасида қандай хал қилувчи ўрин ва таъсирга эга бўлиб бораётганига бугун амалий ҳаётимизда ҳар қадамда гувоҳ бўлмоқдамиз. Ва бу соҳа эртанги кунимиз, истиқболимизнинг ҳақиқатан ҳам, мустаҳкам пойдевориға айланиб, янада ривожланиб бориши аниқ ва муқаррардир.

Табиийки, Ўзбекистонимизда мазкур соҳанинг ривожланиши учун астойдил ҳаракат қилаётган барча бизнес эгалари, шу тармоқда ўрнини топиб, ўз оиласи учун муносиб яшаш шароитини яратаётган, фаровон ҳаёт сари қадам қўяётган инсонлар айни шу йўлдан ҳеч қачон қайтмайди, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрға қўшилиасиз.

Шу борада яна бир муҳим хулоса. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожидан манфаатдор бўлган мулк эгалари, жамиятимизнинг суянчи ва таянчиға айланиб бораётган, ўрта

синф деб ном олган бу ижтимоий қатлам ўз уйи, ўз мулкини ҳимоя қилиш, бунинг учун юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг қанчалик муҳим эканини ҳар томонлама аниқлаб, хал қилувчи куч сифатида майдонға чиқиси эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлишиға ишонч бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу соҳада фаолият юритаётган, ўзини шу замин, шу диёрнинг чинаям юртпарвари деб биладиган, ҳаётимизда тинчлик ва осойишталик, аҳиллик ва ҳам-жихатликни сақлашға улкан ҳисса қўшиб келаётган барча инсонларға чин қалбимдан самимий ҳурматини билдириш ва уларға янги-янги омадлар тилашни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз деб биланам.

Мутарам ватандошлар! Энди сизлар билан кириб келаётган янги — 2012 йилға ном бериш ҳақида фикр алмашиб, бир қарорға келишимиз лозим.

Аввало, ҳар қайси йилға ном беришдан асосий мақсад — бутун халқимиз, жамиятимизнинг орзу-ният ва интилишларини ифода этадиган, эртанги кунимизнинг равнақиға хизмат қиладиган энг устувор йўналишни аниқ белгилаб олиш ва уни амалға ошириш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишдан иборат эканини яна бир бор аниқлаб олишимизни истардим.

Албатта, ижтимоий ҳаётимизда бир-биридан муҳим, бир-биридан зарур вазифалар қўллигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шулар қаторида бугунги кунда энг долзарб, эл-юртимиз, аввало, инсон манфаатларини биринчи ўринға қўядиган ҳар томонлама муҳим йўналишни аниқлаб олиш бу борада алоҳида аҳамиятға эга.

Ҳеч қимга сир эмас, бу дунёда ҳар қайси инсон воғга этиб, касб-ҳунарға эга бўлиб, ҳаётда ўз ўрни ва келажакини аниқлаб, оила қуришни истаиди.

Онгли яшайдиган ҳар бир одам яхши англайдики, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлиши фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша келажакини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

Бугунги кунда биз ҳеч қимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун овоз ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада мустаҳкамлаш, бу борада олиб бораётган ишларимизни янги босқичға кўтариш алоҳида аҳамият касб этади.

Буларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, сизларнинг руҳсатингиз билан, кириб келаётган янги — 2012 йилға юртимизда “**Мустаҳкам оила йили**” деб ном беришни тақлиф этанам.

Янги йилға мана шундай ном беришимиз, азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлиши оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг хал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият муҳассам. Чунки, оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор. Буни исботлаб, тасдиқлаб беришнинг ҳеч қандай ҳожати йўқ.

2012 йилға “Мустаҳкам оила йили” деб ном беришимиз муносабати билан давлат идоралари, нодавлат ва ижтимоий ташкилотлар, хайрия жамғармалари билан биргаликда ишлаб чиқилиб қабул қилинадиган дастурда айни шундай эзгу тушунча, орзу-интилишларимиз ўз ифодасини топиши лозим.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва тақомиллаштириш бўйича янгитдан қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, бу масалаға жамиятимизнинг эътиборини янада кучайтириш кўзда тутилаётганини таъкидлаш керак.

**Иқкинчидан**, барчамиз яхши тушунамиз, мустаҳкам оила ва бахтли турмуш, авваломбор, оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатларига, оила, жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини чуқур аниқлаб этишиға боғлиқ.

Бу ҳақиқатни ҳеч қим инкор этолмайди. Лекин энди пайдо бўлган, катта умид билан ҳаётға қадам қўяётган ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, уларға кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, аввало, уй-жўчи билан таъминлаш — буларнинг барчаси учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда, давлат ва жамиятимиз масъулдир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Албатта, бугунги кунда юртимизда ёш оилаларға кўрсатилаётган эътибор

ва гамхўрлик ҳақида кўп гапириб мумкин. Шу билан бирға, ҳолисона тан олишимиз даркор — ана шундай саъй-ҳаракатларимизни изчил давом эттириш, қаерда бўлмасин, марказда, шаҳар ёки қишлоқ жойларда бўладими, эзгу мақсадларимизнинг ҳар томонлама тасдиғини кўриш учун ҳали жуда кўп ишларни амалға оширишимиз керак.

Шу ҳақда гапирар эканмиз, бу масъулиятли вазифаларни муваффақиятли адо этиш, биринчи навбатда, давлат идораларининг раҳбарлари, кенг жамоатчилигимиз, турли ижтимоий тузилмаларнинг ташаббуси ва амалий ҳаракатларига боғлиқ экани барчамизға аён бўлиши даркор.

**Учинчидан**, “мустаҳкам оила” деган гоғнинг ҳаётимиздаги амалий ифодасини кўришда, ҳеч шубҳасиз, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида ном қозонган маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқийсдир. Бунинг исботини бугун ҳар қадамда кўраётганимизни таъкидлаб ўтишни истардим.

Ҳақиқатан ҳам, бундай ноёб ижтимоий тузилма ҳозирги кунда “Маҳалла — халқ виждони” деган юксак таърифға ҳар тарафлама муносиб бўлиб бормоқда.

Айниқса, ёш оилани ҳаётнинг турли тўфонларидан асраш, унинг мустаҳкам оёққа туриб олиши учун елкадош бўлиш, бу борада зарур кўмак, маслаҳат кўрсатишда маҳалланинг роли ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди.

Йўлайманки, қабул қилинадиган дастурда маҳалла идорасининг жамиятимиздаги, кундалик ҳаётимиздаги

# ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари юртимизда амалга оширилган ётган изчил ислохотлар Конституциямиздаги тамойиллар ва қоидаларнинг амалдаги ифодаси эканини алоҳида таъкидлади. Биз танлаган йўл — бугун халқро ҳамжамият томонидан тан олинган тараққиётнинг “ўзбек модели”ни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида эришаётган барча ютуқларимиз, ҳаётимизга янгича мазмун бағишлаётган ислохотлар Конституциямиз қоидаларига тўла мосдир.

Бу йил Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллигини кенг нишонладик. Халқимиз истиқлол йилларида эришаётган бемисол ютуқларда Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган тамойиллар мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, Асосий Қонунимиз ўзининг мазмун-моҳияти

билан инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқлари устуворлигини, тинчлик ва тотувликни таъминлаш каби юксак мақсадларга эришишнинг муҳим кафолатидир.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2011 йил — “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинган эди. Бу борада махсус Давлат дастури ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Махсус дастур асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, қулай бизнес муҳитини яратиш, жамиятимизда хусусий мулк аҳамиятини тубдан ошириш, иқтисодиётда давлатнинг аралашувини камайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар бажарилди. Тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугун мамла-



катимиз иқтисодиёти таянчи, халқимиз фаровонлигининг муҳим кафолатига айланди. Ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтиришда махсус соҳанингни ўрни ва аҳамияти кундан-кунга ошириб бораётгани бунга мисолдир.

Президентимиз Ислам Каримов кириб келаётган янги — 2012 йилни мамлакатимизда “**Мустаҳкам оила йили**” деб эълон қилишни тақдир этди. Давлатимиз раҳбарининг бу тақлифи йиғилганлар томонидан гулдурас қарсақлар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг байрам концерти билан якунланди.

(ЎзА), Сарвар ўрмон, Альо Абдуллаев олган суратлар.

## Дунё нигоҳи

Яқинда мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонасида Берлин/Бранденбург ҳудуди Иқтисодий консуллар бирлашмаси ҳамда Етақчи экспертлар хизмати (SES) Берлиндаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ўтказилган, Ўзбекистоннинг сарможий ва сийёҳлик салоҳиятига бағишланган давра суҳбати немис оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

## ГФР оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон ҳақида

Жумладан, умумжаҳон ахборот тизимидаги “Berliner-Blatt” ва “Studio96-berlin.de” электрон нашрлари саҳифаларида эълон қилинган “Ўзбекистонга сармоя киритиш” сарлавҳали мақола муштарийларни Ўзбекистоннинг Берлиндаги дипломатия ваколатхонасида бўлиб ўтган махсус тадбир тафсилотлари билан атрофлича таништиради.

“Давра суҳбати чоғида элчихона ва Берлин/Бранденбург ҳудуди Иқтисодий консуллар бирлашмаси, шунингдек, Ўзбекистон билан яқин иқтисодий алоқалар ўрнатган Германия ишбилармон доираларининг вакиллари тадбир иштирокчиларини республикада хорижлик сармоядорларга яратилган шарт-шароитлар ҳамда мамлакатда инвестициявий муҳитни либераллаштириш бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари билан таништирдилар”, дея қайд этилади махсус мақолада.

Шунингдек, Ўзбекистон ҳукуматининг хорижлик сармоядорларни ҳимоя этиш ва уларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратаётгани республика иқтисодиётига сармоялар ётқизиш жозибадорлигининг муҳим омилларидан бири ҳисобланиши ҳам мақолада алоҳида таъкидланади. Хусусан, унда ёзилишича “мамлакат халқро ҳамжамият томонидан эътироф этилган салоҳиятли илмий тадқиқот базасига эга. Кўплаб хорижлик, шу жумладан, немис сармоядорлари ҳам турли ўзаро манфаатли инвестициявий лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда”.

Мақолада Ўзбекистоннинг бой сийёҳлик салоҳияти ҳам афрофлича қаламга олинган. “Мамлакат неча минг йиллик тарихини ўз бағрида яшириб ётган кўплаб осориётқалари билан, айниқса, машҳурдир. Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлардаги аксарият тарихий ёдгорликлар ЮНЕСКОнинг Умулжаҳон мероси рўйхатидан ўрин олган. Ушбу шаҳарларда бунёд этилган замонавий меъморий иншоотларнинг ташқи кўриниши эса тарихий меъморий ёдгорликлар қиёфаси билан уйғунлашиб кетган”, дея ёзилади махсус мақолада.

«Жаҳон» АА. Берлин

## МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ ЙИГИЛИШИ

**Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатиши такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрда қабул қилинган “Телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастота спектридан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, радиочастоталарни танлов йўли билан тақсим-

лаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқна тартибдаги лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказилди.

Танловга Самарқанд шаҳридан жами 3 радиочастота бўйича тушган буюртманомалар кўриб чиқилди ва голиблар аниқланди.

Комиссия томонидан теледастурларни тарқатиш ва маълумотлар узатиш тармоқларида хизматлар кўрсатиш билан шуғулланидиган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия олиш учун берган аризалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда, шунингдек, комиссия фаолиятига доир бир қатор бошқа масалалар ҳам кўрилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Мамлакатимиз истиқлолнинг дастлабки кунларидан демократик дунёвий давлат куриш йўлидан қатъият билан бормоқда. Давлатимизнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши ва эътибори туфайли дин ҳамда виждон эркинлиги соҳасида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришлар юртимизда диний ҳаётга жиддий таъсир кўрсатди, натижада диний ташкилотлар мақоми ўзгарди ва фуқароларнинг дин борасидаги эркинликлари сезиларли даражада кенгайди.**

## ТОТУВЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК МУҲИТИДА

Ўзбекистонда 2225 диний ташкилот, жумладан, 2050 мусулмон, 158 христиан ташкилоти, 8 иудей, 6 бахаистик, битта кришнаитлар жамияти, будда ибодатхонаси, шунингдек, динлараро Ўзбекистон Библия жамияти рўйхатга олинган.

Диний ташкилотлар жамият ҳаётида фаол иштирок этмоқда, ижтимоий хайр-саховат ишлари, маданий-маърифий, таълим, ноширлик ва ҳўжалик фаолияти билан самарали шуғулланмоқда. Айнан шу боис Ўзбекистонда фуқароларнинг эътиқод эркинлигига доир ҳуқуқларини амалга оширишлари учун барча шарт-шароит яратилган, дейишга етарли асослар бор.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, миллатлараро тотувлик ва динлараро бирдамликка эришиш мақсадида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш, мустаҳкамлаш, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий макенидан қатъи назар, уларнинг қонун олдида тенглигини таъминлаш жамиятнинг ислоҳ қилишнинг асосий устувор йўналишларидан бири, деб белгиланган.

Рус православ черкови Тошкент ва Ўзбекистон Епархиясининг миллатлараро тинчлик, турли динга эътиқод қилувчи фуқароларнинг тотувлиги ҳамда дўстлигини таъминлашдаги роли юқори баҳоланмоқда. Зеро, православие Ўзбекистонда ислом динидан кейинги энг катта диний конфессиядир. Бугун мамлакатимиздаги 158 христиан ташкилотининг тўртдан бир қисмини православ қавми вакиллари ташкил этиши ҳам буни тасдиқлайди.

Епархиал бошқарма, Тошкент православ диний семинарияси, Муқаддас Успенский кафедрал собори, 32 ибодатхона, икки та аёллар, битта эркаклар монастыри шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда қарор топган сиёсий ва диний муҳит Рус православ черкови ва Урта Осиё митрополит округига бундан

### Тадбир

кейин ҳам самарали фаолият кўрсатиш имконини беради. Ўзбекистоннинг энг яши ва чиройли театрларидан бири — Академик рус драма театрида Рус православ черкови Тошкент ва Ўзбекистон Епархиясининг 140 йиллигини нишонлаш учун мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан православ дини вакилларининг пойтахтимизга ташриф буюргани ҳам бунинг далилидир.

— Рус православ черкови юбилейини ўзбек заминидан нишонлаётганимиз қувонarli ҳолдир, — деди Урта Осиё митрополит округи раҳбари, Тошкент ва Ўзбекистон митрополити Викентий. — 140 йил, сўзсиз, шонли ва муҳим сана бўлиб, тарихимизнинг унутилмас саҳифалари, православие динининг дўст Урта Осиё заминидан қарор топиши ҳамда ривожланишидан далолат беради. Шубҳасиз, Рус православ черкови бундан буён ҳам Ўзбекистонда яшаётган халқларнинг бирдамлиги, тинчлик-тотувлиги ва бағрикенглигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмига кўмағида Рус православ черковининг Урта Осиё митрополит округи

томонидан ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси ҳузурдаги Дин ишлари бўйича қўмига раиси вази́рларнинг бирдамлиги ва бағрикенглиги Юсупов, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори Акмал Саидов, Республика байналмилал маданият маркази директори Насриддин Мухаммадиев ва бошқалар Рус православ черкови Тошкент ва Ўзбекистон Епархияси вакиллари, шунингдек, православие динига эътиқод қилувчиларни ушбу шонли сана билан табриклаш учун маросимга ташриф буюрдилар.

Улар Ўзбекистон ҳукуматининг демократия ғояларига содиқлиги, жамиятни дунёвий ривожлантириш йўли танлангани динлар ҳамда диний озчилик вакиллари учун тенг шарт-шароитлар яратиш имконини берганини таъкидладилар. Ўзбекистонда барча динлар вакиллари диний байрамларни, расм-русм ва маросимларни эмин-эркин ўтказмоқда. Пойтахтимизда Рус православ черкови Тошкент Епархиясининг юбилейига бағишлаб ўтказилган тантанали концерт ҳам шундан ёрқин далолатдир.

Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Владимир Торденев ушбу тадбир Ўзбекистон эътиқод эркинлиги, мамлакатимизда истиқомат қилаётган халқлар ўртасида тинчлик-тотувлик ҳамда бирдамликни мустаҳкамлаш бўйича ўз зиммасига олган халқро мажбуриятларини сўзда эмас, балки амалда бажарётганининг яна бир тасдиғи эканини таъкидлади.

М. МАМЕТОВА, ЎЗА мухбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш ва ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олиш йўлида эришаётган ютуқларимиз ҳақон аҳлини ҳақли равишда ҳайратда қолдирмоқда. Иқтисодиёт-

ватлари, қўшма корхоналар барпо этилди. Президентимиз ташаббуси ва ғояси асосида пойтахтимиз марказида қад ростлаган “Маърифат маркази” мажмуи маънавий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлди. Халқаро симпозиумлар саройи ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси жойлашган ушбу муҳташам бино истиқлол йилларида

вийат ва маърифат, оммавий ахборот воситалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа, фавқулодда вазиятлар вази́рликлари ходимлари ва давлат хизматчиларига Ватанимизнинг юксак муқофотлари топширилди.

— Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан болалар спортини ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда, — дейди

## БУ ЮРТДА ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚАДР ТОПАДИ

нинг мафқурадан холилиги ва сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислохотчи вази́рларини бажариши, қонун устуворлигини таъминлаш, қучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш тамойилларига асосланган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш барча соҳалардаги ютуқларимизда муҳим омил бўлмоқда.

Истиқлол йилларида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада чирой очаетир. Миллий ва жаҳон меъморчилик аънаваларининг энг сўнгги ютуқларини ўзида акс эттирган янги-янги иншоотлар, ижтимоий объектлар, санъат ва маданият саройлари, илм-маърифат масканлари, кенг ва раво йўли кўприклар барпо қилиш ҳамда ҳаётларимизни фидойилик намунасини намойён этмоқда.

Давлатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан кўплаб янги ишлаб чиқариш қув-

эришган ютуқларимиз, халқимизнинг буюк бунёдкорлик ва яратувчанлик салоҳиятининг ўзига хос тимсолига айланди.

Ўсиб келаётган авлоднинг буюк аждодларимизга муносиб ворислар этиб тарбиялаш, улар қалби ва онгини миллатимизга беғона гоёлар, “оммавий маданият”нинг зарарли таъсиридан ҳимоялашда, ёшларни жисмонан ва маънаван баркамол шахс этиб вояга етказишда олимлар, устоз ва мурабийлар, шифокорлар, санъаткорлар, маданият ходимлари, маънавият тарғиботчилари, журналистларнинг хизмати, айниқса, каттадир. Уларнинг заҳматли меҳнати диёри-мизда ҳамма ардоқланган, раҳбат ва эътибор топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллиги байрами арафасида бўлиб ўтган тантанали тадбирларда бир гуруҳ ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий соҳалар, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт, маданият, санъат, маъна-

Тошкент шаҳридаги 15-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби Иброҳимжон Имомжонов. — Бугун мамлакатимизнинг энг чека худудларида ҳам муҳташам спорт саройлари, болалар спорт мактаблари қад ростламоқда. Уларга қатнайдиган ёш спортчилар, айниқса, қизлар сафи тобора кенгаймоқда. Буларнинг барчаси фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши йўлидаги меҳр ва эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

— Мустақиллик туфайли биз, ижод аҳли ҳам янги-янги имкониятларга эга бўлдик, — дейди Ўзбекистон халқ артисти, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби Эркин Комилов. — Президентимиз томонидан курсатилган бундай улкан эътибор ва рағбат санъаткорларимизни янада кўпроқ изланишга, замондошларимиз образи яратилган асарлар ёзишга, саҳнада ижро этишга ундайди.

(ЎзА).

• Реклама ўрнида •



## Ҳурматли юртдошлар!

Сизни Конституция кунини байрами билан табриклаймиз.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, тўқин-сочинлик, шоду хуррамлик, юрт тинчлиги ва эл фаровонлиги йўлида амалга ошираётган ишларингизга ривож тилаймиз!



## МУВАФФАҚИЯТЛАРИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Мамлакатимиз спортчиларининг халқаро майдонларда юксак галабаларга эришадигани — истиқлол шарофати ва Президентимизнинг навқирон авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қаратаётган улкан эътибори самарасидир. Мустақиллик туфайли инсон манфаатлари олий қадриятга айлангани, бу тамойиллар Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилгани ана шу ютуқларимиз пойдевори бўлмоқда.

Ўзимдан қиёс. Спорт ривожини учун яратилган замонавий шарт-шароитлар туфайли мен каби оддий бир қишлоқ йигитига нуфузли халқаро мусобақаларда қатнашиш, шохсупага кўтарилиш бахти насиб этди. Бунда юртимизнинг барча худудларида кўркам спорт мажмуалари, сув ҳавзалари, стадионлар барпо этилиб,

зарур инфратузилма яратилгани муҳим омил бўлди. Айниқса, мамлакатимизда навқирон авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашнинг уч босқичли тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақаларини ўтказишнинг узлуқсиз йўлга қўйилгани бу борадаги эзгу мақсадлар рўёбига хизмат қилмоқда.

Мазкур саъй-ҳаракатлар спортчиларимизнинг халқаро майдонлардаги муваффақиятларида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда. Уларнинг сафида мен ҳам борлигимдан гурурланаман. Шохсупанинг энг юқори поғонасида туриб, юртимиз шарафига байроғимиз кўтарилиб, давлатимиз мадҳияси янграганида, қалбим чексиз фаҳрга тўлади.

Жорий йилнинг август ойида Францияда ўтган жаҳон чемпионатида иккинчи бор олтин медални қўлга киритдим. Бунинг натижасида Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) томонидан "Дунёнинг энг кучли дзюдочиси", устозим Андрей Штурбабин эса "Энг яхши мураббийи", деб эътироф этилди. Бу ҳам мамлакатимизда спорт тараққий топиб бораётганининг халқаро эътирофидир.

**Ришод СОБИРОВ,**  
дзюдо бўйича икки қарра жаҳон чемпиони.

### Дил сўзи

## БЕКЎС ЎЗГАРИШЛАР САМАРАСИ

Инсон учун саломатлик қанчалик муҳим бўлса, таълим ҳам шу қадар аҳамиятлидир. Шу маънода, истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ халқимиз маънавиятини юксалтириш борасида беқўс ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда.

Асосий Қонунимизнинг 41-моддасида: "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир" дейилган. Дарҳақиқат, таълим тизимида рўй берган беқўс ислохотлар Конституциямизда кўрсатилган ушбу ҳуқуқимизни тўла амалга ошириш имконини бермоқ-

да. Узок йиллар ўқитувчилик, илму маърифат соҳасида ишлаган киши сифатида яхши биламанки, илгари бундай замонавий мактабларни кўриш у ёқда турсин, бу ҳақда тасаввур ҳам қилолмас эдик. Бугун эса Истиқлол шарофати, Президентимизнинг эзгу ғоя ва мақсадларига ҳамоҳанг ҳолда қад ростилаётган коллеж ва лицей ҳамда

мактабларни кўриб гурурланиб кетасан, киши.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, биз, илму маърифат соҳаси вакилларининг кўнгилда ифтихор ҳиссини туйган ҳолда сидқидилдан меҳнат қилишимиз учун энг катта асос, бу, Президентимиз ғамхўрлиги ва эътиборидир. Шундай экан, Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар улкан самараларини бераверади.

**Моноар ҲАЙДАРОВА,**  
Ўзбекистон халқ ўқитувчиси.

### Реклама ва эълонлар

#### «RESPUBLIKA MULK MARKAZI» ЁАЖ

БОШЛАНГИЧ БАҲОСИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдосига ТИФ «Миллий банкнинг қўйидаги корхоналар устав фондидаги 100 фоиз улушлари қўйилмоқда»

Т/р	Аукционга қўйилган объект	Корхона жойлашган манзил	Сотувга қўйилган улуш (%)	Закалат миқдори (%)	Бошланғич баҳоси (сўм ёки АҚШ долларлари)	
					Сўм	АҚШ долларлари
1.	«KINDER FRUITS» МЧЖдаги улуш	Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй	100%	3%	16 367 616 000	9 550 481,97
2.	«TOSHKENT QOQ'OZI» МЧЖдаги улуш	Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 23-уй	100%	2%	25 854 000 000	14 802 473,38

Аукцион савдоси 2012 йил 9 январь кuni соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2012 йил 6 январь кuni соат 18.00.

Юқоридаги улушлар 2012 йил 9 январьдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2012 йил 12, 16 ва 19 январь кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 12 январьдаги такрорий савдолар учун — 2012 йил 10 январь кuni соат 18.00; 16 январьдаги савдолар учун — 13 январь кuni соат 18.00; 19 январьдаги савдолар учун — 17 январь кuni соат 18.00.

#### Тўловларни амалга ошириш тартиби.

Аукцион голиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоиз миқдордаги маблағни савдо ўтказилганидан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини эса олди-соти шартномасида белгиланган мuddатларда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг

миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига банкнинг АҚШ долларлари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчисининг «Ипак йўли» ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850. Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат тўлови эркин муомаладаги валюта (АҚШ долларлари)да ёки миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил:  
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,  
1-Корақамиш кўчаси, 1-«А» уй.  
Телефон: (8-371) 228-79-52.

WWW.RMM.UZ

1651R/280



# ХАЛҚ БАНКИ

## ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ жамоаси

Ўзбекистон Республикаси  
Конституциясининг 19 йиллик  
байрами билан барча юртдошларимизни  
самимий қутлайди!

Давлатимиз равнақи ва юртимиз ободлиги,  
халқимиз фаровонлиги, истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлида  
олиб бораётган самарали ишларингизда улкан зафарлар  
тилаган ҳолда, сизларга соғлиқ-омонлик, хонадонингизга  
тинчлик-хотиржамлик ва қут-барака  
тилаб қоламиз.

КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТ ҚАЛЬЛАРИНГИЗНИ  
ТАРК ЭТМАСИН!



### ХАЛҚ БАНКИ — ХАЛҚ ИШОНГАН БАНК!

#### ОБ-ҲАВО

(8 декабрь)



**Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 7-12, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёгингарчилик қутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолида эса кечаси 7-12, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Туман тушади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ёгингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Ҳарорат кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 3-8 даража илқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Туман тушади. Тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёгингарчилик қутилмайди. Эрталаб (соат 11 гача) ва кечкурун (соат 17 дан кейин) туман тушиши мумкин. Ҳарорат кечаси 2-4 даража совуқ, кундузи 2-4 даража илқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

UZBEKNEFTEGAZ

## «ЎЗБЕКНЕФТГАЗ»

МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни  
Асосий Қонунимиз —

### Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

қабул қилинганлигининг

## 19 йиллиги

билан муборакбод этади!

«Халқ сўзи»нинг навбатдаги сони 10 декабрь, шанба кuni чиқади.

Халқ сўзи  
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 48409 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳфаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орипов.  
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.  
Навбатчи — Ф. Шералиев.  
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.15 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5